

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Президент Шавкат Мирзиёев 30 январь кун
Тошкент шаҳрида Ислом Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.



Тарихий хотира — миллат келажакнинг мустақам пойдевори. Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида шаклланиши, давлатчилик асосларининг барпо этилишида Биринчи Президент Ислом Каримовнинг хиз-

матлари бекиёс экани чуқур ҳурмат ва эътироф билан ёдга олинади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва эътибори билан Биринчи Президентнинг хотираси абадийлаштирилди, Самарқанд-

да унинг мақбараси барпо этилди. Ислом Каримов таваллуд топган 30 январь санасини нишонлаш эзгу анъанага айланди. Маросим давомида Куръон тиловат қилиниб, дуо ўқилди. Биринчи

Президентнинг Ватан манфаатлари йўлидаги фаолияти, инсоний ғазиллари ёдга олинди. Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасида бўлиб ўтган маросимда Олий Маж-

лис палаталари, Президент Администрацияси ва ҳукумат вакиллари, илм-фан ва маданият намоёндалари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Шунингдек, Биринчи Президентнинг

Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги ҳайкаллари пойига ҳам гуллар қўйиб, хотирасига эҳтиром кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» АЖ ФАОЛИЯТИГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ТАТБИҚ ҚИЛИНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекнефтогаз» акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари юзасидан тақдирот билан танишди.

Мамлакатимизда энергетика хавфсизлигини мустақамлаш, энергия ресурслари, жумладан, табиий газга бўлган ички талабни барқарор қондириш ҳамда иқтисодиёт тармоқларини узлуксиз таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, иқтисодиёт ва аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжи ортиб бораётгани янги заҳираларни аниқлаш, мавжуд қонлар самарадорлигини ошириш ва янги-ларини ишга туширишни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан «Ўзбекнефтогаз» акциядорлик жамиятининг олдида соҳада натижадорлиқни тубдан ошириш ва замонавий ёндашувларни жорий этиш вазифалари қўйилган.

Қайд этилганидек, 2025 йилда жамият қорхоналари томонидан 25,2 миллиард куб метр табиий газ қазиб чиқарилиб, 56 та янги қудуқ бурғиланди, 29 та қудуқ мукаммал таъмирланди.

2026-2027 йилларда табиий газ чиқариш ҳажмини барқарор даражада таъминлаш, 300 дан ортиқ геологик-техник чоратadbирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Тақдиротда бунинг учун амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар тўғрисида ахборот берилди. Жумладан, геология-қидирув ва геологик-техник тadbирлар самарадорлигини ошириш, заҳираларни қўпайтириш ва қазиб чиқариш ҳажмининг барқарорлигини таъминлаш, харидлар тартиб-таомилларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, газни чуқур қайта ишлаш орқали қўшилган қиймат занжирини яратиш, импорт ўрнини босувчи экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш, жамият ва унинг қорхоналарини молиявий соғломлаштириш чоралари кўрилади. Компания фаолиятида опе-

рацион самарадорлиқни ошириш, хусусан, соҳага оид бўлмаган активларни тасаруфдан чиқариш, ҳомийлик тўловларини тўхтатиш ҳамда харажатларни мақбуллаштириш орқали молиявий барқарорлиқни таъминлашга устувор аҳамият қаратилиши қайд этилди. Ишлаб чиқариш жараёналарини рақамлаштириш, соҳада сунъий интеллект технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, ички назорат ва комплаенс тизимини кучайтириш, молиявий активлар ҳаракатини назорат қилиш, коррупция ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш масалалари жамият фаолиятининг муҳим устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Давлатимиз раҳбари мазкур вазифалар ва режалаштирилган барча тadbирлар ижросини аниқ ҳисоб-китоб, қатъий интизом ҳамда шахсий жавобгарлик асосида таъминлаш юзасидан мутасаддиларга топширилган берди.

Тақдиротда геология-қидирув ишларини олиб бориш жараёнида, шу жумладан, Сурхондарё вилоятида қайд этилган техноген ҳолатларга ҳам тўхталиб ўтилди. Бундай ҳолатлар янги истиқболли майдонларни излаш, қудуқларни чуқур бурғилаш ва геологик қатламларни ўрганиш жараёнининг табиий таркибий қисми бўлиб, улар дунё амалиётида ҳам кўп учраб туради. Юртимизда бундай вазиятларда тегишли чоралар кўриб борилаётгани таъкидланди.

Президентимиз мутасаддиларга геологик тadbиротлар олиб борилаётган ҳудудларда доимий мониторингни кучайтириш, замонавий назорат технологияларини жорий этиш ҳамда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Ў.А.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Ўтган йилларда олиб борилган ислохотлар ва тизимли чора-tadbирлар натижасида вилоят иқтисодиётида таркибий трансформация юз берди. Натижада ҳудуд аграр соҳадан диверсификацияланган саноат, хизматлар ва замонавий агроклестерларга ихтисослашди. Тўқимачилик, қурилиш материаллари, автомобилсозлик, электротехника ва туризм каби янги ўсиш драйверлари шаклланди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотда саноат улуши 9,1 фоиздан 18,8 фоизга ошди, қишлоқ хўжалигининг улуши 50 фоиздан 36 фоизга камайди. Шунингдек, ишсизлик ва камбағаллик тегишлича 4,9 ва 5,8 фоизга камайди, экспорт 1,8 баробар, хизмат кўрсатиш 1,6, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1,9 баробар кўпайди.

25 та йирик ҳамда 533 та ўрта ва кичик инвестиция лойиҳалари ишга туширилди, 1,4 миллиард доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Экспортчи қорхоналар сони 160 тага етиб, экспорт ҳажми 285 миллион долларни ташкил қилди.

Йиғилишда вилоятда камбағаллик ва ишсизлиқни янада қисқартириш, саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалигида кескин ўсишга эришиш бўйича режалар кўриб чиқилди.

Хусусан, 2026-2027 йилларда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръатларини 8,5 фоизга етказиш, саноатда ишлаб чиқариш ҳажмини 8 фоизга ошириш, 5 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиш ва йиллик экспорт ҳажмини 500 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Эътиборлиси, ўтган йилларда инвестициялар, асосан, хомашё қазиб олиш ёки оддий йиғув ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлса, эндиликда юқори қўшилган қийматга эга саноат лойиҳаларига йўналтирилади.

Бундан ташқари, жорий йилда вилоятда ишсизлик даражасини 3 фоизга, камбағалликни 2,8 фоизга тушириш, 182 та маҳаллани жинойатчиликдан холи ҳудудга айлантириш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари бу мақсадларга вилоятдаги маҳаллаларни чуқур ихтисослаштирмасдан эришиб бўлмастлигини қайд этди.

Шу муносабат билан вилоятда келгуси икки йилда янги модель ривожлантирилади. Ҳудуддаги 304 та маҳалланинг солиштирма устунликлари таҳлил қилиниб, уларнинг боғдорчилик, чорвачилик, сабзавот ва полизчилик, саноат, сервис ҳамда туризм йўналишларига ихтисослашувини чуқурлаштириш дастури ишлаб чиқилди.

Дастур доирасида 5 минг гектар эски боғ ва тоқзорларда сертификатланган қўчатлар экиш, 4,6 минг гектар саноатлашган плантациялар барпо этиш, 10 минг гектар аҳоли томорқаси ва ижара ер майдонларида ҳосилдорлиги юқори ва экспортбop маҳсулотлар етиштириш, 101 минг бош чорва молларининг наслини янгилаш, 5 та саноат микромарказлари, 6 та йирик туризм мажмуаларини ташкил этиш, ҳар бир туман марказида истироҳат боғларини барпо қилиш ва гажув қўчалар ташкил этиш каби ишлар амалга оширилади.

Йиғилишда драйвер лойиҳалар инфратузилмасини мустақамлаш учун жорий йил-

да 200 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Саноатни ривожлантириш мақсадида 2026-2027 йилларда умумий қиймати 2,7 миллиард долларлик йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Бунда вилоятдаги кўрғошин-рух, вольфрам, олтин ва бошқа норузда қонлардан самарали фойдаланиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Зомин туманида қишлоқ хўжалиги илмий-саноат парки лойиҳасининг тақдиротида маккажўҳорини қайта ишлаб, юқори фруктозали сироп ва аллюлоза ишлаб чиқариш қувватларини яратиш режалаштирилгани айtilди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги йўналишида насли чорва молларини харид қилиш, туячиликни ривожлантириш, «Жайилма» каналини реконструкция қилиш чоралари кўрилади.

Давлатимиз раҳбари вилоятни ривожлантиришда тоғли ва чўл ҳудудларнинг салоҳиятини алоҳида ёндашувлар асосида рўёбга чиқариш зарурлигини таъкидлади. Жумладан, жорий йилда 25 минг гектар лалми ва яйлов ерларини фойдаланишга киритиш ва яйловлардан самарали фойдаланиш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Йиғилишда Жиззах вилоятининг туризм салоҳияти ҳам таҳлил қилинди. Айдар-Арнасой қўллар тизими, шунингдек, Бахмал, Фориш, Зафаробод, Шароф Рашидов ва Фаллаорол туманларининг имкониятлари тўлиқ ишга солиниётгани қайд этилди.

Шу муносабат билан ушбу туманларда туризм мажмуаларини ташкил этиш, Арнасой

аэропортини кенгайтириш, халқаро автомобиль йўллар бўйида савдо-сервис мажмуаларини қуриш режалари кўриб чиқилди.

Жорий йилда маҳаллаларда ижтимоий объектлар, йўллар, ичимлик суви, канализация ва электр тармоқлари қурилиши учун 30 миллион доллар, келгуси йилда эса яна 10 миллион доллар маблағ ажратилади. Бунинг ҳисобида 14 маҳалладаги ижтимоий соҳа объектлари, олис 28 та маҳаллани боғловчи 105 километр йўллар, 9 та маҳалла аҳолиси учун 50 километр ичимлик суви, электр тармоқлари, 13 та маҳаллада 65 километр оқова сув тармоқлари қурилади ва таъмирланади.

Шаҳарсозлик йўналишида Бахмал, Зафаробод ва Фаллаорол туманларини фазовий режалаштириш ва бош режаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Шунингдек, Жиззах шаҳри ва Шароф Рашидов тумани ягона агломерация ҳудуди сифатида ривожлантирилади. Бу бўйича ишлаб чиқариладиган бош режада шаҳар ичидаги тирбандликларни камайтириш мақсадида 10 километрлик айланма йўл қуриш, шаҳар ва туманни боғлайдиган ягона жамoат транспорт тизимини йўлга қўйиш, ягона маъмурий бино қуриш орқали ташкилотларни бир жойга қўчириш назарда тутилди.

Йиғилиш якунида мутасаддиларга вилоятни янада ривожлантириш доирасидаги ҳар бир лойиҳани аҳоли бандлиги ҳамда турмуш даражасини ошириш билан боғлаб бажариш бўйича топшириқлар берилди.

Ў.А.

МАҚСАД — КЕНГАШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Олий Мажлис Сенатида халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари раислари ҳамда ҳокимлар учун ўқув семинарлари яқунланмоқда.

Семинар

29 — 31 январь кунлари мазкур ўқувларда қатнашаётган тўртинчи гуруҳ тингловчилари Сурхондарё, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларининг маҳаллий бошқарув органлари раҳбарларидан ташкил топди.

Ушбу семинарлар маҳаллий даражада бошқарув қарорларини қабул қилишда янги ёндашувларни жорий этиш, Кенгашлар фаолиятининг натижадорлигини ошириш, ижтимоий масалаларни ҳал этишда тизимли режалаштириш ва таҳлилга таянган иш усулларини шакллантиришга қаратилган.

Машғулотлар жараёнида тингловчилар ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва ижро-

сини назорат қилиш, маҳаллий бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли бандлиги ҳамда тadbиркорлиқни қўлаб-қувватлаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, бу борада ўзарo ҳамкорлик қилиш бўйича амалий билимларга эга бўлди. Бундан ташқари семинар машғулотлари давомида Кенгашларда депутатлик сўровлари билан ишлаш, ижро интизомига риoя қилиш, маҳаллий ҳокимият ижро органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини кучайтириш, жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

➡ 2

Халқ вакиллари — ҳудудларда ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ДЕПУТАТЛАР ЎРНИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари Президентимиз раислигида 27 январь кун итказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги қатор маҳаллаларда бўлди.

“Бектўпи” маҳалла фуқаролар йиғинидаги учрашувлар жараёнида “маҳалла етилиги” фаолияти, хусусан, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳамда профилактика инспекторларининг бу борадаги фаолияти атрофлича ўрганилди.

Шунингдек, профилактика инспекторлари билан учрашув ўтказилиб, уларнинг хиз-

мат фаолиятини тўлақонли амалга оширишга тўққинчи қилаётган айрим муаммолар муҳокама этилди. Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш каби масалаларга ҳам эътибор қаратилди. Шу билан бирга, ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятга сабаб бўлаётган ёки унга шароит яратяётган омиллар чуқур ўрганилиб, тақлифлар эшитилди.

➡ 3



МАҚСАД – КЕНГАШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Ўқув жараёнлари доирасида тингловчиларнинг рақамли таҳлил воситалари орқали муаммоларни аниқлаш, аҳоли мурожаатларини тизимли ўрганиш, маълумотлар асосида қарор қабул қилиш ҳамда натижадорликни баҳолаш кўникмалари ҳам мустаҳкамланди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Нурбоева тингловчилар ҳузурида маҳаллий раҳбарларнинг фаолиятида ташаббускорлик, шахсий жавобгарлик ва аҳоли билан доимий мулоқот муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Шунингдек, ҳар бир қабул қилинаётган қарор жойлар-

да ижобий ўзгаришларга олиб келиши, депутатлар ва ҳокимлар ўз фаолиятида қонунийлик, адолат ҳамда очиқлик тамойилларига қатъий амал қилиши зарурлигини қайд этди.

Семинарлар якунида иштирокчилар жойлардаги муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечими бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқиш, аҳоли билан ишлашда самарали механизмларни қўллаш ҳамда қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлаш бўйича амалий билим ва кўникмаларга эга бўлади.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

Сенат кўмитасида

СОН ЭМАС, СИФАТГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ МУҲИМ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси мажлисида илм-фан соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш борасида муҳокама бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда сўнгги йилларда илм-фан соҳаси тобора ривожланиб, тадқиқотларда амалий натижаларга эришилмоқда. Хусусан, 2025 йилда давлат илмий дастурлари доирасида умумий қиймати 577,1 млрд. сўм бўлган 323 та илмий лойиҳа молияландирildi.

Тадқиқотлар натижасида яратилган илмий маҳсулотларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ҳамда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари олимлари ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида янги 30 та инновацион (спин-офф) корхона фаолият кўрсатмоқда. 300 дан ортиқ тижоратлаштирилган янги ишланмалардан фойдаланилмоқда. Ҳозирги кунда таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 250 га яқин олий таълимдан кейинги таълим институтлари фаолият кўрсатяпти.

Буларнинг барчаси илмий фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашни, илм-фан соҳасига оид қонун ҳужжатлари зарур тузатишлар киритишни таъқозо этмоқда.

«Халқ сўзи».

Онлайн учрашув

МИНТАҚАВИЙ АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ – МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика Кенгаши билан ҳамкорлик бўйича комиссия аъзоларининг онлайн учрашуви бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги дўстона ҳамда ўзаро ишонча асосланган муносабатларни мустаҳкамлаш, парламентларо ҳамкорликни янада ривожлантириш, олий ва юқори даражадаги келишувлар ижросини таъминлаш, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик, минтақавий алоқаларни мустаҳкамлаш, қўшма сармоявий лойиҳаларни парламент томонидан қўллаб-қувватлаш масалаларини кўриб чиқиш учун комиссиянинг йиғилишларини мунтазам ўтказиб бориш зарурлиги қайд этилди.

Учрашув якунида парламентларо мулоқотни чуқурлаштириш ва минтақавий алоқаларни ривожлантиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

ДЎСТОНА ВА ОЧИҚ МУЛОҚОТГА АСОСЛАНГАН ШЕРИКЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига расмий таширифи ва Анкара шаҳрида ўтказилган олий даражадаги музокаралар икки давлат ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларининг изчил ва мустаҳкам ривожланиб бораётганини яққол тасдиқлади.

Музокаралар якунлари бўйича имзоланган Қўшма баёнот ҳамда турли соҳаларни қамраб олган икки томонлама битимлар сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган аниқ ва самарали механизмларни белгилаб берди.

Айниқса, sanoat, қишлоқ хўжалиги, транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш, миграция, мудофаа ва қишлоқхўжалик соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича келишувлар мамлакатларимизнинг манфаатлари уйғун эканини кўрсатади.

Кейинги йилларда икки давлатнинг дўстлик ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Бу борадаги рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 3 млрд. АҚШ долларидан, қўшма корхоналарнинг сони эса 2,2 мингтадан ошди, ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми қарийб 10 млрд. долларни ташкил этди. Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида 9 млрд.



долларлик лойиҳалар портфели шакллантирилган.

Мамлакатларимиз ўртасидаги туризм ва ишбилармонлик йўналишлари ривожини ҳам яхши йўлга қўйилган. Хусусан, ҳафтасига юзга яқин авиақатновлар амалга оширилмоқда. Келгусида савдо ҳажмини, жумладан, Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим доирасида товарлар турини кенгайтириш, устувор иқтисодий тармоқларда саноат кооперациясини мустаҳкамлаш орқали 5 млрд. долларга етказишга келишиб олинди.

Шунингдек, мулоқотларда маданий ва гуманитар алмашинувларни янада кенгайтириш, хусусан, биргаликда театр ва кино ҳафталиклари, бадиий кўргазмаларни ўтказиш ҳамда зиёрат ту-

ризмини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Олий даражадаги учрашувларда Стратегик ҳамкорлик кенгаши йиғилишларини мунтазам равишда ўтказиш, Ҳукуматларо комиссия ва Стратегик режалаштириш гуруҳи механизмларидан самарали фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Бундан ташқари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасидаги ўзаро қўллаб-қувватлаш амалиёти изчил давом эттириладиган бўлди. Кенгаш йиғилиши якунларидан келиб чиқиб, икки мамлакат ҳукуматлари томонидан эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича кенг қамровли «Йўл харитаси» қабул қилиниши таъкидланди.

Айтиш жоизки, ушбу келишувларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва самарали ижро этилиши мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва минтақавий барқарорликка хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари келгусида ҳам ўзаро ишонч, очиқ мулоқот ва амалий натижалар асосида изчил ривожланиб боришига ишонамиз.

Эркин ГАДОВЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий
масалалар
кўмитаси раиси.

ИЖТИМОЙ АДОЛАТ, ИНСОНПАРВАРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ҲАМДА БИРДАМЛИКДА РЎЁБГА ЧИҚАРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг тақлифига биноан ушбу мамлакатга расмий таширифи нафақат стратегик шерикликни мустаҳкамлашга, балки минтақавий барқарорлик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик ва тараққиёт ғояларини бирдамликда илгари суришга ҳам хизмат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларининг фикр-мулоҳазалари шу ҳақда.

Кенг қамровли стратегик шериклик янада ривожланади

Ақтам ҲАЙТОВ,
ЎзЛиДеп фракцияси раҳбари:

— Ўзбекистон ва Туркия яқин йилларда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмини сезиларли даражада ошириш мақсадини кўяётгани уларнинг ўзаро манфаатдорлик ва ҳамкорлиқнинг реал натижаларига интилаётганидан далолат беради.



Ўзаро савдода энг қулай режим ва Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим амал қилмоқда. Бу эса бизнес учун кенг шaroитлар яратмоқда. Туркия барқарор равишда Ўзбекистоннинг етакчи савдо-иқтисодий шериклари қаторига кириб, товар айирбошлаш ва импорт ҳажми бўйича тўрттинчи, экспортда бешинчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Инвестициявий ҳамкорлик ҳам икки томонлама муносабатларнинг асосий элементини ҳисобланади. Жорий йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда Туркия капитални иштирокидаги 2,2 мингта корхона фаолият юритмоқда, бу хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар умумий сонининг қарийб 12 фоизига тенгдир. Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида қиймати 9 млрд. долларлик лойиҳалар портфели шакллантирилган. Туркия капитални, асосан, Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига, жумладан, энергетика, қайта ишлаш sanoati, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларига йўналтирилган.

Бу ва бошқа тенденциялар Анкара шаҳрида бўлиб ўтган тадбир давомида яққол намоён бўлди. Ушбу тадбир якунларининг таҳлили фаол сиёсий мулоқот, мунтазам давлатларо маслаҳатлашувлар, шартномавий-ҳуқуқий базани кенгайтириш ва маданий-гуманитар алмашинувни ривожлантириш тарафлари бўлган давлат раҳбарларининг муҳим ролини кўрсатади.

Ушбу сазй-ҳаракатларнинг барчаси икки томонлама муносабатларда ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ҳамда минтақавий ва глобал вазифаларни биргаликда ҳал этишга йўналтирилган шериклини янги босқичга олиб чиқиш учун хизмат қилди.

Юқори даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўрттинчи йиғилиши давомида кенгаш йиғилишларини мунтазам ўтказиш, Ҳукуматларо комиссия ва Стратегик режалаштириш гуруҳи механизмларидан самарали фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилинди.

Фикримизча, эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича комплекс «Йўл харитаси»нинг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши ҳамкорликнинг амалий аҳамиятини тасдиқлайди.

Халқларимизни боғловчи ришталар

Алишер ҚОДИРОВ,
«Миллий тикланиш» ДП фракцияси раҳбари:



— Туркий дунёнинг энг йирик икки давлати — Ўзбекистон ва Туркия раҳбарларининг учрашуви, шубҳасиз, Евроосиё китъасида тинчлик ва тараққиётга эришиш, энг асосийси, миллатларо муносабатларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилиши билан ҳам муҳим воқелик сифатида талқин этилмоқда.

Икки давлат муносабатлари ҳақида гап кетганда, тарихий ришталар — қадриятлар, тил, дин, маданият ва урф-одатлар миллатларни ўзаро боғлаб тургани, Ўзбекистон туркларнинг ота юрти экани ва бу қадимий заминда қардошлик муносабатлари ҳеч қачон узилмаганини таъкидлаш жоиз.

Маълумки, Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган, вақт синовидан ўтган дўстлик, ҳамжиҳатлик ришталари тобора мустаҳкамланиб, икки халқ муносабатлари узоқ муддатли стратегик шериклик даражасигача кўтарилди. Буни давлатимиз раҳбарининг қуни кеча Туркияга навбатдаги таширифи давомида қабул қилинган ҳужжатлар мазмунидан ҳам кўриш мумкин.

Аҳолиси нуктаи назаридан, Туркия бугун 80 миллиондан зиёд, Ўзбекистон эса 40 миллионга яқин. Яъни дунё туркийларининг ярмидан кўпроғи айни шу икки давлат ҳудудига истиқомат қилади. Шу жиҳатдан ҳам ушбу икки мамлакат туркий дунёнинг ижтимоий-иқтисодий қарашлари, ҳолати ва ҳатто оғру-умидларини ҳам белгилаб берувчи икки қатта куч ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон — Туркия муносабатлари Янги Ўзбекистон ислохотлари даврида бутунлай янги босқичга кўтарилди. Айни пайтда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон, умуман, минтақа давлатларининг узоқ ва яқин муддатдаги манфаатларини яхши билган етакчи сифатида ҳам туркий дунёнинг ўзаро ривожига муносиб ҳисса қўймоқда.

Ўзбекистон, шунингдек, Марказий Осиё минтақасининг йирик бир давлати сифатида Туркия, Озарбайжон, Каспийорти мамлакатлари, туркий давлатлар билан ўзаро алоқаларини янги даврга олиб чиқиб, ҳатто Марказий Осиёнинг узоқ йиллар қулфланиб қолган эшикларини оча олади.

Бугун туркий дунё ҳамкорлиги нафақат туркий тили давлатлар хавфсизлигини, балки бугунги геосиёсий тўқнашувлар даврида Евроосиё китъасининг оқшайишларини таъминлашда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Асрларга бўйлашган дўстлик

Робохон МАХМУДОВА,
«Адолат» СДП фракцияси раҳбари:

— Анкара шаҳрида ўтган олий даражадаги музокаралар, Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўрттинчи йиғилиши якунлари бўйича имзолан-

ган қўшма баёнот ва кўп қиррали битимлар тўплами ушбу алоқаларимизнинг институционал асосларини янада мустаҳкамлади.

Сиёсий мулоқотнинг жадал ривожланаётгани, халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан позицияларнинг ўхшаш экани билан ҳам боғлиқ, Зеро, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлаш амалиётининг давом этирилиши тинчлик, адолат ва барқарор тараққиётга қаратилган умумий мақсадлар уйғунлигидан далолат беради.

Музокаралар жараёнида ижтимоий йўналтирилган иқтисодий, аҳоли фаровонлигини ошириш, иш ўринларини яратиш, ҳудудларни барқарор ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани эътиборга молик.

Қолаверса, соғлиқни сақлаш, таълим, ҳарбий тиббиёт, миграция, маданият, ядро хавфсизлиги ва радиацион ҳимоя соҳаларида имзоланган битимлар ҳам ҳамкорлик моҳиятида инсон ҳаёти ва хавфсизлиги устувор эканини кўрсатамоқда. Бу ҳужжатлар фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хавфсиз меҳнат ва яшаш муҳитини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлардир.

Ташриф доирасида «Ўзбекистон» тураржой мажмуаси фойдаланишга топширилди. Ҳатой виллоятида уч йил аввал оқ берган вайронкор зипзипла қардош турк халқи учун оғир синов бўлган ҳамон едимизда. Ўша изтиробли кунларда мамлакатимиз биринчилардан бўлиб ёрдамга шошилди. Халқимизга хос инсонпарварлик, ҳамдардлик тамойилларининг ёрқин фодоси сифатида ўзбекистонлик кўчқарувчилар ва тиббиёт ходимлари жасорат қўрсатишди. Арусу туманида барпо этилган замонавий тураржой мажмуаси эса ўша фожиада бошланасиз қолган қардошларимизга қўрсатилган амалий ёрдамнинг мантиқий давоми бўлди.

“Адолат” социал-демократик партияси ушбу ташриф натижаларини юқори баҳолайди.

Ҳамкорликнинг олий даражаси

Улугбек ИНОЯТОВ,
ЎзХДП фракцияси раҳбари:



— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркияга бу галги расмий таширифи ранг-баранг мулоқот ва ўзаро манфаатли келишувларга бой бўлди. Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўрттинчи йиғилиши ҳар томонлама юқори мақомада ўтди.

Буларнинг барчаси мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ҳамкорлик мунтазам равишда ривожланиб боришини англатади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасидаги ўзаро қўллаб-қувватлаш амалиёти давом эттирилиши қардош халқларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига ҳар томонлама тўғри келади.

Туркия Республикаси ижтимоий масалаларни самарали ҳал этиб бориш, барча фуқароларнинг устувор ҳуқуқларини таъминлаб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигига қулай шaroит яратиш бўйича юқори натижаларга эришаётган мамлакатлардан ҳисобланади. Таъ-

Анкара шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғани томонидан Қўшма баёнот ҳамда Кенг қамровли стратегик шериклик доирасидаги ҳамкорлик механизмлари тўғрисидаги қарорнинг имзоланиши икки давлат муносабатларида янги, янада мустаҳкам босқични бошлаб берди.

АНИҚ НАТИЖАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН КЕЛИШУВЛАР



Айниқса, сўнгги йилларда Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигининг изчил ривожланиши стратегик шериклик

даражасига кўтарилиши, аввало, Ўзбекистон етакчисининг очиқ, прагматик ва қардош халқлар манфаатларига қаратилган ташки сиёсати натижаси эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Давлат раҳбарининг ташаббуслари ва сиёсий иродаси туфайли Туркия билан муносабатлар барча соҳада мазмунан бойиб, аниқ амалий натижалар билан мустаҳкамланди.

Хусусан, давлатларо шаклланган ўзаро ишонч ва дўстона муносабатлар бугун Ўзбекистон ҳамда Туркия халқлари ўртасидаги азалий қардошлиқ, тарихий яқинлик ва маънавий уйғунлиқнинг ёрқин фодосига айланди. Бу алоқалар нафақат сиёсий мулоқотларда, балки иқтисодий, ижтимоий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳам ўз ифодасини топапти.

Шу жиҳатдан, имзоланган икки томонлама ҳужжатлар тўплами кўп қиррали шериклики янада кенгайтириш-

га хизмат қилади. Соғлиқни сақлаш, таълим ва ҳарбий тиббиёт, иқтисодий ҳамда молиявий ҳамкорлик, қончилик sanoati, халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш, махсус иқтисодий зоналар, ядро хавфсизлиги, миграция, диний соҳадаги шериклик каби муҳим йўналишларни қамраб олган келишувлар муносабатларимиз қанчалик чуқур ва кенг қамровли эканини кўрсатади.

Ўз навбатида, Ташки билан вазириликлари ўртасидаги 2026-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, маданият йўналишидаги келгуси режалар, таълим ва sanoat соҳаларидаги баённомалар халқларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг очиқ ҳамда фаол ташки сиёсати Туркия билан муносабатларини қардошлиқ, ўзаро ҳурмат ва стратегик манфаатларга асосланган мустаҳкам иттифоққа айлантирди. Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги яқин алоқалар эса халқларимиз дўстлигини янада мустаҳкамлаб, келгусида ҳам бу ҳамкорлик янги ютуқлар билан бойиб боришига ишонч уйғотади.

Абдувоҳид ТУРДИБОВЕВ,
халқ депутатлари
Чиноз тумани Кенгаши раиси.

лим, замонавий касб-хунарлар, бандлик даражасини ошириш, ижтимоий ҳимояни янада тизимлаштириш йўналишларида ўзаро ўрганиш ва фикр алмашишни кенгайтириш муҳим.

Ташриф доирасида қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик, соғлиқни сақлаш ва тиббий туризм соҳаларида Туркиянинг илгор тажрибасини жорий этиш масаласига эътибор қаратилгани бежиз эмас. Юртимиз иқтисодиёти, халқимизнинг фаол ижтимоий ҳаёти, ортиб бораётган талабчанлиги ва табиий эътиёҳлар халқаро стандартлар даражасида ривожланишни таъқозо қилмоқда.

Партияимиз, депутатлик биршамаларимиз халқимизнинг ижтимоий ҳаётига бевосита боғлиқ бўлган дўстлик, ҳамкорлик муносабатларини фаол қўллаб-қувватлайди. Айни пайтда стратегик келишувлар амалга ошиши жараёнларида фаол иштирок этади.

Қардошлик ва ҳамжиҳатлик рамзи

Абдушуккур ҲАМИЗОВ,
Ўзбекистон ЭКОЛК партияси
фракцияси раҳбари:



— Анкара шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг тўрттинчи йиғилиши икки давлат ўртасидаги шериклик тизимли ва узоқ муддатли мақсадларга йўналтирилганини кўрсатди. Музокаралар якунида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркиянинг бир-бирини ишончли стратегик ҳамкор сифатида қабул қилаётганини тасдиқлайди. Давлатимиз раҳбари томонидан Туркиянинг глобал микроскодаги нуфузи ва ривожланиш салоҳиятига берилган юксак баҳо ҳам ўзаро ҳурмат ва тенг шерикликка асосланган муносабатларнинг ифодасидир.

Шу билан бирга, ҳамкорлик механизмларини янада фаоллаштириш, кенгаш йиғилишларини мунтазам ўтказиш ва қабул қилинган қарорларни аниқ «Йўл харитаси» асосида амалга оширишга келишиб олингани муносабатларнинг декларатив эмас, амалий тус олаётганини кўрсатади.

Дунёда рўй бераётган табиат инжиқликлари, табиий офатлар, иқлим ўзгариши билан боғлиқ ҳодисалар ҳақон ҳамкамиятини жиддий ҳавотирга қўймоқда. Бу каби ўткир муаммоларга қарши биргаликда курашиш механизмини ишлаб чиқиш ҳамда ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Шу боис бу бўйича ҳақон халқлари бери-бирларига, албатта, ёрдамчи бўлишлари керак. Алоҳида таъкидлаш жоизки, оғир синовли давларда намоён бўлган ўзаро қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон — Туркия муносабатларининг асосий устуни эканини кўрсатади.

Ташриф доирасида Истанбул шаҳрида ўзбек мактаби қурилишига старт берилгани эса икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик фақат сиёсат ва иқтисодиёт билан чекланмасдан, таълим, маънавият ва маданий алоқаларни ҳам қамраб олаётганининг яққол далилидир. Бу таълим даргоҳи Туркияда яшовчи ўзбек фарзандларининг миллий ўзлигини асраб-авайлаш, она тили ва қадриятларига содиқ бўлиб камол топишига хизмат қилади.

Маъжур ташриф Ўзбекистон — Туркия муносабатлари мустаҳкам сиёсий ирода, ўзаро ишонч ва қардошлиқ руҳи асосида янада чуқурлашаётганини кўрсатади. Бу эса келгусида икки халқ манфаатлари йўлида қўшма ташаббуслар ва амалий натижалар янада ортади деган ишончни мустаҳкамлайди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Покистон:

ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган фаол ташқи сиёсат туфайли сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли дўстона алоқалари тобора мустаҳкамланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон — Покистон муносабатлари, айниқса, иқтисодий йўналишда янги суъят билан ривожланаётганини кўришимиз мумкин. Бунда икки давлат иқтисодиётининг ўзаро рақобатчи эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи экани муҳим омили бўлмоқда. Шу маънода, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни юқори даражага кўтариш учун катта имкониятлар мавжуд.

Биз ва жаҳон

Аввало, Покистоннинг жўрофий жойлашуви Ўзбекистонга Араб денгизига чиқиш учун энг қисқа савдо йўналишини тақдим этади. Покистон орқали савдо қилиш Ўзбекистон учун денгизга чиқишнинг энг самарали йўли ҳисобланади. Худди шундай, Марказий Осиё бозорлари билан ўзаро муносабатларни кенгайтиришга хизмат қиладиган алоқаларни ўрнатиш Покистоннинг асосий мақсадларидан бири.

Икки мамлакат етакчиларининг мунтазам мулоқотлари туфайли алоқалар стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Транспорт, қишлоқ хўжалиғи, энгил саноат, фармацевтика ва бошқа тармоқлардаги ҳамкорлик жадал ривожланиб бормоқда. Ўзаро савдо ҳажмининг яқин истиқболда 1 млрд. долларга етказиш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинган. Аввало, савдо, инвестициялар, саноат кооперацияси, транспорт, логистика, инфратузилма ва туризм соҳаларида ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга, маданий-гуманитар алмашинув дастурларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Исломободга ва Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шарифнинг ўтган йили Тошкентга ташрифлари доирасида ўтказилган бизнес-форумлар, тadbиркорлар ўртасидаги мулоқотлар чоғида тўқимачилик, фармацевтика, қурилиш материаллари, банк-молия, кимё саноати ва бошқа йўналишларда ўнлаб савдо ва инвестиция лойиҳалари бўйича келишувларга эришилган эди. Бу лойиҳаларнинг барчаси саноат кооперацияси дастурига киритилди, қатъий назоратга олинган. Шунингдек, олий даражали ташрифлар чоғида имзоланган ҳамда кучга киритилган Транзит савдо ҳамда Илмтйёёли савдо тўғрисидаги битимлар икки халқнинг фаровон ҳаётини таъминлашга, миллий иқтисодиётларимизнинг барқарор ривожланишига хизмат қиляпти.

Термиз — Мозори-Шариф — Қобул — Пешовар темир йўли бизнинг умумий келажағимиздир. Бу йўл битса Покистонни Марказий Осиё билан боғлайдиган, Ўзбекистонни Карачи, Гвадар ва Қосим портларига олиб чиқадиغان энг яқин, арзон ва хавфсиз йўлак яратилади. Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлашга қаратилган, “аср лойиҳаси” деб атаётган мазкур темир йўлини куриш нафақат мамлакатларимиз, балки бутун минтақа халқлари умумий равнақига хисса қўшади. Натижада минтақавий савдо, иқтисодий ҳамкорлик ривожланади. Темир йўлнинг узунлиги тахминан 760 километр бўлиб,



учта давлатни бир-бири билан боғлайди. Трансафғон темир йўли ишга тушган, Покистондан Ўзбекистонга юк ташвиш мўдта 35 кундан 3 — 5 кунгача қисқаради. Битта стандарт контейнерни ташвиш нархи қарийб уч баробар арзонлашиши кутилмоқда. Бундан ташқари, яна бир транспорт йўлаг и лойиҳаси устида иш олиб бориляпти. Бу Беларусь, Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон орқали ўтувчи мултимодал транспорт йўлагини яратиш бўйича келишув бўлиб, мазкур лойиҳа орқали ҳам юк ташвиш жараёни осонлашади, вақти қисқаради.

Хўзирда Покистон Марказий Осиё давлатлари билан биргаликда ШХТ доирасида терроризм ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда иштирок этмоқда. Дунёда геосиёсий кескинлик кўчайган, терроризм бош кўтарётган бир пайтда бу борадаги алоқалардан ҳар икки томон ҳам манфаатдор. Шу маънода, Афғонистонда доимий тинчлик ва барқарорлик бўлиши муҳим. Гап шундаки, узоқ йиллар Афғонистон омил и Покистоннинг Марказий Осиёдаги манфаатлари ва улар билан қалин шериклик муносабатлари йўлидаги асосий тўсиқ бўлиб келган. Энди эса тинч Афғонистон имкониятлар ўлкасига айланапти. “Жануб сари йўл” — Афғонистон орқали Покистон ва Хиндистон портларига чиқиш, қолаверса, жануби-мизда жойлашган қарийб икки миллиард нубусга эга бозорга кириш имконияти, дегани. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги кўп векторли форматта ўтиши иқтисодиётимизнинг логистик жиҳатдан қарамлигига барҳам беради.

Очигини айтганда, 2016 йилгача Марказий Осиё мамлакатларида Исломободга нисбатан эҳтиёткорона муносабат мавжуд эди. Минтақа давлатлари расмийлари Афғонистондаги нотинчликдан хавотирда экани вазиياتни янада мураккаблаштираётганди. Аммо давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг очиклик ва прагматизмга асосланган ташқи сиёсати туфайли ҳаммаси ўзгарди. Афғонистонда қарор топган бирмунча осийишталик ва тинчлик Марказий Осиё давлатлари ҳамда Покистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш имконини яратди. Баъзи иқтисодий лойиҳалар аллақачон амалга оши-

рилмоқда. Логистика, бизнес, таълим соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бориляпти.

Маданий-гуманитар соҳа шериклигинг энг муҳим ва истиқболли йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинган. Қадимий Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон ва Покистон халқларини азалдан умумий тарих ва бой маънавий мерос чамбарчас боғлаб туради. Хар икки мамлакат ҳам фан, санъат, кино, спорт соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш, ёшларга оид дастурларни амалга ошириш тарафдори. Ўзбекистонда йил сайин урду тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётир. Покистонда ҳам Исломобод замонавий тиллар университети, Панжоб ва Пешовар университетлари каби олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти, Ўзбекистон тарихини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзаро таълим дастурлари доирасида, икки давлат университетлари ўртасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланган.

Ўзбекистон раҳбарининг тўрт йил олдин Исломободда ташрифи давомида салмокчи хўжжатлар тўплами, жумладан, Стратегик шериклики ривожлантириш бўйича келгуси қадамлар тўғрисида қўшма декларация имзоланган эди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган сай-ҳаракатлар белгилаб олинган. Маънавий ил-дизлардан куч ва белгю олаётган алоқалар халқларимизнинг оруз-интилишларига, икки давлат ўртасидаги улкан режаларга мос равишда янги марраларга кўтарилмоқда. Масалан, 2025 йил 3 январь куни Карачи шаҳрида “UzbekPak International Trading Centre” савдо уйи ва “UzbekPak Cultural Centre” маданий марказининг очилиши минтақавий боғлиқлиқни мустаҳкамлаш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва инвесторлар учун зарур маълумотлар тақдим этишга хизмат қилад и.

Туризм мамлакатларимиз салохиятидан фойдаланишда муҳим ўрин тутлади. Туристик оқимни рағбатлантириш мақсадида икки давлат ўртасида виза тартиби енгилаштирилди, тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилди. Бу ўзаро алоқаларга янгича мазмун бахш этади. Ишбилармонлар учун вақт энг қимматбаҳо неъмат, қайта тикланмас ресурс ҳисобланади. Очилаётган янги ваҳо йўллари икки мамлакат тadbиркорларининг қимматли вақтини тежаб, алоқаларни жадаллаштиради ва янги қўшма лойиҳаларга замин яратлади.

Яна бир эътиборли жиҳат. Покистон Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришига хайрихоҳ. Бу борада 2024 йил 6 декабрь кун и Ўзбекистон ва Покистон ўртасида мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишини қўлаб-қувватлаш тўғрисида меморандум имзоланди. Ушбу ҳужжат ЖСТга қўшилиш жараёнида Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган ислохотлар, халқаро савдо тизими интеграция бўйича мамлакатнинг жиддий сай-ҳаракатлари тан олиншини тасдиқлайди. Ўзбекистон Покистон учун Марказий Осиё бозорига кириш йўлида дарвоза, шунингдек, Россия ва Европага чиқишда муҳим транзит давлат ҳисобланади.

Покистон — аҳоли сонига кўра дунёнинг бешинчи йирик мамлакати. Ялли ички махсулоати харид қбилияти паритети бўйича дунёда 23-ўринни эгаллайди. Шу билан бирга, Покистон тўқимачилик саноати, бугдой, пахта, шoли етиштириш борасида етакчилардан. Ахборот технологиялари сектори ҳам катта салохиятга эга. Бу соҳаларда мамлакатларимиз ҳамкорлиги бир-бирини тўлдирувчи бўлиб хизмат қилад и.

Бугунги кунда Покистон Жанубий Осиёда шаклланган минтақавий хавфсизлик вазиати, шунингдек, ички ва ташқи омиллар туфайли иқтисодий ноаниқлик, сиёсий бекорорлик ва чўқур иқтимоий номутаносиблик каби ўзаро боғлиқ муаммоларга дуч келган муҳим чорраҳада турибди. Покистоннинг янги ҳукумати ушбу муаммолар долзарблигини тан олган ҳолда, Бош вазир Шаҳбоз Шариф раҳбарлигида иқтисодий ўзгаришларни назарда тутган улкан лойиҳаларни бошлаган. 2024 — 2035 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган иқтисодий ўзгаришлар режаси — “URAAAN Pakistan” эълон қилинди. Мамлакатни дунёнинг етакчи иқтисодиётларидан бирига айлантириш мақсади жамланган ушбу ташаббус доирасида инновация, инклюзивлик ва барқарорликка устувор аҳамият берилмоқда. Иқтисодий ўсишни таъминлаш, адолатли, барқарор ва инклюзив жамиятни ривожлантириш орқали Покистони Осиёнинг навбатдаги “йўлбарси” даражасига кўтариш интилишлари марказига чиққан.

“URAAAN Pakistan” стратегиясида экспорт, иқтисодиётни диверсификация қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва мамлакатнинг жаҳон бозорид аги мавқеини ошириш марказий ўринни эгаллайди. Ҳукумат инновацияни қўлаб-қувватлаш, инвестициялар жалб қилиш, махсудорлиқни кўчайтириш орқали муваффақиятга эришишга интиломоқда. Тўқимачилик, қишлоқ хўжалиғи ва технология каби соҳаларда фойдаланилмаган улкан салохиятга эга Покистон бундай ёндашув орқали сезиларли иқтисодий ўсишга эришиш учун яхши лойдеворта эга. Бунинг учун айни пайтда дипломатик имконият тўлиқ сафарбар қилинган, расмий ташрифлар, дипломатик алоқалар ёрдамида муҳим шериклар билан ҳамкорлик ва ўзаро ишончни янги босқинга кўтариш устида иш олиб бориломоқда.

Хўзир Покистон ўзаро манфаатли ҳамкорликка ҳар қачонгидан кўра очик ва тайёрлигини намоён этмоқда. Ўзбекистон учун бу икки давлат ўртасидаги алоқаларни чўқурлаштириш, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқишда ноёб имконият. Покистон иқтисодий қийинчиликларга қарамай стратегик аҳамияти, улкан бозори ва ҳарбий қудрати билан минтақавий ҳамда глобал сиёсатда ўз ўрнига эга. Ўзбекистон ва Покистон ҳамкорлиғи нафақат икки қардош халқ фаровонлигига, балки бутун минтақада барқарорлик ва изчил ривожланишга хизмат қилад и.

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, иқтисодий фанлари доктори, академик.

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ДЕПУТАТЛАР ЎРНИ

Билдирилган таклифлар асосида “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунни замон талабларидан келиб чиққан ҳолда тақомиллаштириш, йиллар давомида ўз аҳамиятини йўқотган, ортиқча бюрократик юкламага айланган нормаларни қайта кўриб чиқиш, амалиётдан келиб чиқиб ислох қилиш зарурлиғи таъкидланди.

Илгари сурилган таклифлар келгусида амалдаги қонунчиликни янада тақомиллаштиришда инобатга олинини қайд этилди.

ФАОЛИЯТ ТАКОМИЛИГА ДОИР ТАКЛИФЛАР

Қонунчилик палатаси депутаты Фирдавс Шарипов Денов туманида бўлиб, аҳоли ва қишлоқ хўжалиғини рўйхатга олиш штабида, Янгиқари, Чарғонён, Боғи эрам ва Ўрикзор маҳаллаларида, Денов тadbиркорлик ва педагогика институтида, 50-мактабда, 1- ва “Smart kids” мактабгача таълим ташкилотларида, халқ депутатлари туман Кенгаши котибиятида учрашув ва ўрганишлар олиб борди.

Учрашувларда Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида илгари сурилган гоҳ ҳамда ташаббусларнинг мазмун-моҳияти етказилди. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси лойиҳасининг моҳияти тушунтирилди. Аҳоли ва қишлоқ хўжалиғини рўйхатга олиш тadbирларининг аҳамияти ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, Боғи эрам маҳалласида амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилди. Долзарб масалалар юзасидан фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Президентимиз раислигида Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тadbирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифалар ҳам жамоатчиликка етказилди.

Сайлов округидаги маҳалла профилактика инспектори ва МФЙ раислари билан ушбу масалада суҳбатлар олиб борилди. Профилактика инспекторлари фаолиятини тақомиллаштириш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш бўйича таклифлар олинди.

КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАС МАСАЛАЛАР ЕЧИМИ — «МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ»ДА

Депутат Нодира Жонибекова Ховос ва Мирзаобод туманларидаги “Қайирма”, “Янгиер”, “Гулбаҳор”, “Наврўз”, “Янги Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, аҳоли билан очик мулоқотлар ўтказмоқда.

Учрашувларда мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қафолатлаш борасидаги ислохотларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилди. Янги қабул қилинган қонунлар, Президентимизнинг фармон ва қарорлари аҳамияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Шу кунларда жамоатчилик муҳокамасига қўйилган “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги Фармон лойиҳаси юзасидан фуқаролар таклифлари олинди.

Шунингдек, депутат МФЙда “маҳалла еттилиги” фаолияти билан танишиб, фуқаролар билан суҳбатлашди. Мулоқотлар чоғида аҳоли вакилларининг муурожаатлари тингланиб, уларнинг ақсарият қисми теғишли мутасаддилар билан биргаликда ҳал этилди.

Депутат Мирзаобод туманидаги калава ип тўкув ва трикотаж махсулотлари ишлаб чиқариш фабрикаси фаолияти билан ҳам танишди.

Мулоқот давомида тизим равнақига қаратилган янги қонун ҳужжатлари ҳақида кенг маълумотлар берилди.

«Халқ сўзи».

РАҚАМЛИ КЕЛАЖАК УЧУН ЯНГИ «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Бугунги кунда дунё иқтисодиёти нафақат табиий ресурслар, балки маълумотлар ва алгоритмлар устига қурилмоқда. Шу сабабли, ҳозирги глобал иқтисодиётда рақобатта чидамли бўлиш учун малакали касб эгалари ва мутахассислар, замонавий технологиялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутмаслик лозим.

Нуктаи назар



Мамлакатимизда IT, сунъий интеллект (СИ), финтех, консалтинг, транспорт-логистика каби катта даромад келтирадиган сервисларни кўпайтириш, қишлоқ хўжалиғида унумдорликни ошириш учун биоуму-ҳандисликдан кенг фойдаланиш, илгор агротехника ва сув тежадиган усуллари фойдалауш, “яшил” энергетика, чиқиндисиз ишлаб чиқаришга ўтиш каби мақсадлар кун тартибига қўйилган. Бу эса келгуси беш йилда иқтисодиётимиз ҳажмини 240 млрд. доллардан ошириш имконини беради.

Яқинда Президентимиз раислигида ўтказилган рақамли технологияларни ривожлантириш соҳасида эришилган натижалар ҳамда 2026 йилга мўлжалланган устувор вазифаларга бағишланган тақдимотда белгилаб берилган муҳим йўналишлар юртимизнинг рақамли келажағи учун янги “Йўл харитаси” бўлиб хизмат қилди. Эндиликда мамлакат рақамлаштириш соҳасида фақатгина бошқаларга етиб олиш эмас, балки минтақада трендларни белгилаш ва етакчи бўлиш босқинига ўтди.

Ўзбекистоннинг стартап экотизими сўнгги йилларда мисли қурилмаган ўсиш динамикасини кўрсатди. Экспертлар баҳолашча кўра, соҳанинг қиймати 3,9 млрд. долларга етгани бу шунчаки рақам эмас, балки халқаро инвесторларнинг мамлакатимиз интеллектуал салохиятига бўлган ишончидир. 750 дан ортиқ стартап ҳамда 180 млн. доллардан ортиқ венчур инвестициялари, бу — пойдевор холос. 2030 йилгача белгиланган 5000 та стартап мақсади эса мамлакатимизни “инновациалар фабрикаси”га айлантиришни кўзда тутлади.

Ислохотларнинг халқаро эътирофи

Айтиш жоизки, 2026 йилнинг январь ойи юртимиз учун тарихий хушхабар билан бошланди. Ўзбекистон дунёдаги энг тез ўсаётган иккинчи стартап экотизими ва Марказий Осиёнинг мутлақ етакчиси сифатида эътироф этилди. Бу шунчаки рейтинг эмас, балки охириги йилларда амалга оширилган тизимли ислохотларнинг халқаро тан олиншидир. Энг муҳими, мақсад нафақат сонда, балки сифатда ҳам намоён бўлмоқда. 200 та стартапнинг экс-

яқинлаштиради. Эндиликда банк картасини очиш, SIM-карта олиш ёки суурта расмийлаштириш учун навбатларда туриш тарихга айланади. Ҳаммаси “my.gov.uz” мобилй иловасида бир неча сонида ҳал бўлади. Тadbиркорликни йўлга қўйиш ҳамда ҳодимларни ҳисобга олиш каби мураккаб жараёнларнинг рақамлашиши “яшил инқисодиёт”га чек қўйиб, бизнес муҳитини шаффофлаштиради. Жорий йилда ташланган бу қадамлар 2030 йилга бориб Ўзбекистонни нафақат минтақавий, балки жаҳоннинг энг илгор технологик марказларидан бирига айлантиради. Биз дунёдаги иккинчи энг тез ўсаётган экотизим бўлишдан тўхтамаймиш, мақсад — биринчиликка эришиш.

Ўзбекистоннинг миллий сунъий интеллект инфратузилмасини яратиш, жумладан, суперкомпьютерлар харид қилиш ва 15 та СИ лабораториясини ташкил этиш режаси мамлакатнинг технологик мустақиллигини таъминлайди. Шахсий маълумотларни маҳаллий серверларда сақлаш талаби

Ўзбекистоннинг стартап экотизими сўнгги йилларда мисли қурилмаган ўсиш динамикасини кўрсатди. Экспертлар баҳолашча кўра, соҳанинг қиймати 3,9 млрд. долларга етгани бу шунчаки рақам эмас, балки халқаро инвесторларнинг мамлакатимиз интеллектуал салохиятига бўлган ишончидир.

Кези келганда айтимоқчимизки, Ўзбекистон жорий эатаётган тўрт босқичли янги тизим соҳадаги муаммоларга ечим берди. Бунда илк қадамларни грантлар билан ташлаш, махсулотини яратиш учун солиқ имтиёзлари бериш, қўшма молиялаштириш орқали бозорга киришни тезлаштириш, экспорт харажатларини қоплаш билан халқаро майдонга олиб чиқиш муҳим йўналиш сифатида белгилаб олинди. Бундай яхил занжир ёш тadbиркорларга нафақат сармоя, балки муваффақиятга бўлган институционал қафолатни ҳам тақдим этди.

Хизмат кўрсатишдан интеллектуал моделгача

Электрон ҳукумат соҳасида Ўзбекистон хизмат кўрсатиш моделидан интеллектуал моделга ўтггани ҳам катта ютуқ. Рақамли хизматлар сонини 900 тага етказиш ва 50 дан ортиқ хизматларда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш давлат идораларини фуқарога янада


ва айни пайтда халқаро стандартларга мувофиқ трансценгарарий маълумот алмашинувига рухсат берилиши — олтин ўрталикни топиш, демокадир.

Бу ёндашув бир томондан фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, иккинчи томондан, халқаро финтех ҳамда тўлов тизимлари учун эшикларни очик қолдиради. Сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш учун, аввало, улкан ҳажмадаги маълумотларни қайта ишлай оладиган инфратузилма керак. Шу маънода, юртимизда тағбиқ этиладиган замонавий суперкомпьютер

Рақамли технологиялар шунчаки қулайлик эмас, балки иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш ва аҳоли ҳаёти сифатини яхшилаш воситаси. Жорий йил учун белгиланган ушбу вазифалар мамлакатимизнинг Марказий Осиёдаги технологик етакчилигини таъминлаш билан бирга, юртимизни глобал рақамли харитада муҳим ҳабага айлантиришга хизмат қилад и.

Янги Ўзбекистоннинг рақамли стратегияси энди назариядан амалиётга — аниқ ҳисоблаш қувватлари ва юқори технологиялар босқинига ўтди. Соҳадаги бундай катта ўзгаришлар келгусида улкан натижаларга пойдевор бўлади, албатта.

Бахтиёр МАҲКАМОВ, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори, иқтисодий фанлари доктори, профессор.



БУ ОЙДАН БОШЛАБ НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

Мамлакатимизда 1 февралдан кучга кирадиган қонунчиликдаги ўзгаришлар нималардан иборат? Қуйида шулар ҳусусида айрим маълумотларни тақдим этамиз.

Ижтимоий лойиҳаларни молиялаштиришнинг янги амалиёти

“Ташаббусли бюджет” жараёндарида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни аҳоли ва давлат ўртасида шериклик асосида молиялаштириш амалиёти жорий этилади.

Ташаббускор аҳоли томонидан лойиҳалар қийматининг 50 фоизи ихтиёрий равишда молиялаштирилганда лойиҳалар голиб деб топилад и ҳамда қолган 50 фоизи республика бюджетидан молиялаштирилади.

Кимлар ҳарбий хизматни бепул ўташи мумкин?

Қамбагал оилалар реестрига киритилган оилалардаги ёшлар учун сафарбарлик қақируви резервидаги ҳарбий хизматни бепул ўташ тартиби жорий этилади.

Ушбу мақсад учун субсидия ажратиш тартиби бекор қилинади.

Бунда ҳарбий хизмат билан боғлиқ харажатлар Мудрофаа вазириликнинг “Сафарбарлик қақируви резерви маблағлари” махсус ҳисобварағидан амалга оширилади. Шунингдек, ҳарбий хизматни ўтаб келган ёшларнинг бандлигини таъминлаш чоралари кўрилади.

«Давлат таъминотидаги оила»лар учун ижтимоий ёрдам пакети

“Давлат таъминотидаги оила” тоифасига киритилган оилалар учун қуйидагиларни ўз ичига олган ижтимоий ёрдам пакети жорий этилади:

ушбу оилалар хонадонига қуввати 7 — 10 «ВТлик қуёш панелларини ўрнатиш учун БХМнинг 100 бараваригача субсидия ажратилади. Шунингдек, ушбу оилаларга тижорат банклари орқали 4 йилгача БХМнинг 75 бараваригача — оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларининг бандлигини таъминлаш, тadbиркорликни бошлаш ёки кенгайтириш, шу жумладан, чорва моллари, парранда, қуён, балик ва асалари уяси, қўнча дўконлар, мотороллер, скутер ва бошқа асосий воситаларни сотиб олиш ёки иссиқхона қуриш мақсадлари учун кредит ажратилади.

Кредит 1 йиллик имтиёзли давр билан “давлат таъминотидаги оила” тоифасидаги оила аъзосининг ижтимоий картасига ўтказилади. Кредит фойз ставкиси Оилавий тadbиркорликни ривожлантириш дастури доирасидаги фойз ставкасида ҳисобланади.

«Китоб — маърифат манбаи» дастури амалга оширилади

Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш бўйича “Китоб — маърифат манбаи” дастури амалга оширилади.

Давлат органларининг китоб ва китобхонлик ҳақидаги рекламалари ижтимоий ахборот (реклама) сифатида тан олинади. Шу билан бирга, жамоат транспортларида (автобус, метро, самолёт, поевалар) симсиз ёки мобилй интернет тармоғи орқали “Mutolaa” платформасидан фойдаланиш имкониятлари яратилади, қулайлик учун QR кодлар ўрнатилади.

Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун навбатдаги имконият

Қамбагал оилалар реестрига киритилган оилалардаги ёшларга “Ёшлар дафтари” жамғармалари орқали автоматотранспортлар ҳайдовчилирини тайёрлаш ўқув курси харажатларини қоплаш бўйича субсидия ҳайдовчилик гувоҳномасининг “А”, “В”, “D” ва “DE” тоифаларини олиш учун тўлаб берилади.

«Халқ сўзи».

Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллигига

БУЮК ШОИРНИНГ САМАРҚАНДДАГИ ТАБАРРУК ИЗЛАРИ

Самарқанд шахри, унинг муҳити ва мактаби не-не буюк шахслар ҳаётида юксак ўрин тутди. Алишер Навоий ҳазратлари ҳам ўз асарларида ушбу қадимий кентда ўтган умри, ортирган дўстлари ва маънавий муҳитни алоҳида меҳр билан кўп бор ёдга олади. Навоийшунос олима, Самарқанд давлат чет тиллари университети профессори Дилором САЛОҲИЙ билан суҳбатимиз буюк шоирнинг ушбу табаррук заминда қолган излари ҳақида бўлди.



— Самарқандда Алишер Навоий ҳаётининг энг жўшқин даври кечган, — дейди Дилором Салохий. — У бу ерга машҳур шоир бўлиб келган. Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибек Вафойи уни ўз мартабасига муносиб тарзда изат-икром қилган. Йирик олимлар унга дарс берганларида алоҳида эътибор билан муносабатда бўлади.

Самарқанд — ҳазрат Навоийнинг Машҳадда Шайх Камол Турбатий, Пахлавон Муҳаммад востасида шакллана бошлаган фалсафий-маърифий, диний-тасаввуфий қизиқишлари бир ўзанига тушишига йўл очган, бу соҳадаги дунёқараш шаклланишига имкон яратган шахрлардан бири. Академик Ботирхон Валихўжаев хулосаларига кўра, ҳазрат Навоий Хиротдан чиқиб кетишни ният қилар экан, қайси шахарни танлаш ўзининг ихтиёрида эди. Ул зот Камол Турбатийдек, Пахлавон Муҳаммаддек дўсту ёрлари бор бўлган шахар — Машҳадни танлаши ҳам мумкин эди. Бунинг устига, шоир Хиротдан кетар пайтлари маънавий отахони Саййид Ҳасан Ардашер ҳам Машҳадда эди. Аммо Навоий Самарқандни танлади. Чунки бу ерда ақли камолга етган, қаламининг шуҳрати кенг ёйилган ёш шоирни меҳригёи сингари ўзига тортиб турган янги илми ирфон даргаси, пири қомил Ҳазрати Хожа Аҳрор Вали бор эди.

Навоийшунос олим Б. Валихўжаев Алишер Навоийнинг Шайх Хожа Аҳрор Вали назарига тушиши, унинг илтифотига мушарраф бўлиши, йирик фақиҳ Хожа Фазлуллоҳ Абулайс Самарқандий ва унинг оиласи билан муносабатлари, Самарқандда яратилган ёки бу шаҳар билан боғлиқ асарлари хусусида фикр юритади. У ўзгача яратилган тадқиқотларни тўлдиршига, янги илмий маълумотлар билан бойитишга интиларкан, шоирнинг нақибандия тарикатига расман кириши ҳам ушбу кўна кент билан бевосита боғлиқ эди, деган фикрни ўртага ташлади. Олим Навоийнинг самарқандлик ёру биродарлари, энг қаддори ҳамсабоқ дўстлари билан муносабатларини ҳам назардан қочқирмади.

Алишер Навоий ўзининг Хиротдан чиқиб кетиши сабабларини сўзлаб, устози Саййид Ҳасан Ардашерга йўллаган машҳур “Маснавий”сида бир толиби илмининг мусофирликдаги қийинчиликларини баён этаркан, бевосита ўз ҳаёти тафсилотларига ишора қилади.

— Улуғ шоир яшаган Самарқанддаги Абуллайсийлар хонадони хотин ҳам борми?

— Абуллайсийлар хонадонининг соҳиби XV аср иккинчи ярмида Самарқандда фаолият кўрсатган, илм-фан ва адабиёт соҳасида кўзга қўринган вакили — Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий эди. Бу фозил шахс ҳақида ҳозирча жуда ҳам маълумот етиб келган. Аммо манбаларда Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий “Мовароуннаҳр ақоибларидадан бири” (Абдураззоқ Самарқандий), даврининг Абу Ҳанифаи сонийси (Алишер Навоий), Ибн

Ҳожиби, Абу Али Синоси (Хондамир), хуллас, аълами уламози тарзида тилга олинади. У Мирзо Улуғбек наздида жуда эътиборли алломалардан эди. Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий Самарқанддаги аждодлари яшаган Ал-Фақиҳ Абулайс гузарига бино қилинган хонақосида толиби илмлар фақиҳ, тиб, тилшунослик ва адабиётшунослик бўйича дарс берган. Толиби илмлар қаторида бу ерда Алишер Навоий ҳам бўлган.

Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобунонома”да келтирилишча, Абусад Мирзо томонидан Самарқандга “ихрож” қилинган Алишер Навоийнинг ҳомиysi шахар ҳокими Аҳмад Ҳожибек Вафойи эди. Навоий бу киши кўмағида Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий хонақоҳидан ҳужра олиб, икки йил шу ерда яшаб, машҳур олимдан тилшунослик, адабиётшунослик, фикр — ислом қонуншунослигидан сабоқ олди. Ўзининг қобилияти тўғрисида устозининг эътиборини қозонди ва шу даражада етдики, Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий уни “фарзандим” дерди.

Алишер Навоий 1469 йилда Хиротга қайтиб, давлат арбоби сифатида иш бошлаганда ҳам, умуман, умрининг охирига қадар бу хонадонини унутмади. Самарқанд билан алоқасини янада мустаҳкамлади. Шунинг учун кўпгина самарқандлик аллома ва шоирлар Хиротга борганида, Алишер Навоий илтифотидан баҳраманд бўларди. Абуллайсийлар хонадонининг икки вакили — Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсийнинг фарзанди Хожа Хованд Абуллайсий ва шу хонадонга мансуб Хожа Абулқосим Абуллайсий шулар жумласидан. Буларнинг иккови ҳам Навоий илтифотидан баҳраманд бўлгани учун ўз миннатдорлигини китоблар ёзиш билан ифода этган. Хожа Хованд ибн Фазлуллоҳ Абуллайсий “Ҳошияи мифтоҳ” ва “Ҳошияи талим” асарларини, Хожа Абулқосим Абуллайсий эса “Ҳошияи мутаввал” асарини Навоийга бағишлаган. Демак, Абуллайсийлар хонадонининг бу икки намояндаси Алишер Навоий кўмағида шу хонадон илмий аъёнларини давом эттирган.

Ҳозирги кунда Самарқанд шаҳрида Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий яшаган маҳаллада унинг уй-музейи бунёд қилинган.

— Алишер Навоийнинг Самарқанддаги асарлари қанчалик ўрганилган?

— Алишер Навоий асарларининг нодир кўлэма нусхалари бугунги кунга қадар Самарқанд давлат университети кутубхонаси Шарқ кўлэмалари бўлимида, Самарқанд бош музей қўриқхонаси фондларида, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази кутубхонасида сақланади. Бу нодир кўлэмалар ҳақида биз ўзимизнинг тадқиқот ишларимизда маълумот берганмиз. Айниқса, СамДУ кутубхонасида Навоий ҳазратларининг ўн олтинчи асрга оид шохона безаклар билан зийнатланган “Бадоеъ ул-бидой” номли девони сақланиши эътиборга молик. Аммо ханузгача қадар Алишер Навоийнинг Самарқандда

қандда сақланаётган кўлэма ва тошбосма асарлари библиографияси қилинмаган.

Баъзи манбаларда шоирнинг Самарқандда ёзилган асарлари хусусида маълумотлар бор. Навоийнинг:

Кўкрагимдир субҳнинг пироханидин чокрок,
Кирпиким шабнам тўқилган

сабадин намнокрок
матласи билан бошланувчи ажойиб дилтортар газали Самарқандда ёзилгани ҳақида Ботирхон Валихўжаев қизиқарли маълумотлар келтиради. Шоирнинг зулқофиятайн санъати билан дарж этилган, ўткир фаҳм-фаросати билан “саромади замона” саналган дўсти Мирзобек хотирасига ёзиб тугатилган:

Кўзунг не бало қаро бўлубтур,
Ким жонга қаро бало бўлубтур


деб бошланувчи газали ҳам Самарқанддаги ижодиёти намуналаридан биридир. У дўсти қалами натижаси бўлган мазкур матлани унинг хотирасини абадийлаштириш учун тўлиқ газал ҳолига келтиргани ҳақида “Мақолис ун-нафоис” тазкирасида маълумот беради.

Навоийнинг Самарқанддаги адабий-илмий фаолияти ҳали жуда кўп тадқиқотлар учун мавзу бўлиши мумкин. Навоийшунослик соҳасида изланишлар олиб борувчилар шоирнинг бу ерда аниқ ва табиий фанларни ўрганиш бўйича қилган саъй-ҳаракатлари, қизиқишлари доираси ҳақида чуқуროқ фикр юритмоғи, унинг мақтуботидаги Самарқанд билан боғлиқ тафсилотларга аниқлик киритишлари, Самарқанддаги қадимжолари харитаси хусусида ўйлаб кўрмоғи лозим. Шоир шеърлятида осмон жиислари, сайёралар билан боғлиқ чуқур илмий мулоҳазалар кўзга ташланади. Бу унинг Мирзо Улуғбек расадхонасида олган таълими самаралари эмасмикин? Бу каби қатор саволларга жавоб топиш учун ҳали толиби илмлар ихлос билан жуда кўп изланишлар олиб боришлари лозим.

— Бугун шоир асарларини аслидан узоқлаштирмай таъдил қилиш, адабий меросни кенг аудиторияга етказиш ва унинг фикрий-маънавий қадриятларини халқаро миқёсда англаш қанчалик мумкин?

— Алишер Навоий асарлари ёзилган тил XIX-XX асрларда “чиғатой туркийси” деб аталган, яъни мовароуннаҳрлик туркий тилда сўзлашувчилар тили. Ҳазрат Навоий ҳам ўз тилини “туркий” деб атаган ва асарларида шу истилоҳни қўллаган. “Ўзбек тили” дейилганда эса қипчоқ шебасида сўзлашувчи маҳаллий халқлар тили назарда тутилган.

Буюк мутафаккир асарларини, айниқса, газалларини сўзма-сўз таржима қилиш, шундан сўнггина уларни шарҳлаш, изоҳлаш, талқин этиш максадга мувофиқ, Чунки шоир газалларида арабий, форсий сўз ва иборалар, сўфиёна истилоҳлар қўллаб қўлланган. Бу ўша давр илмий ва адабий услублари хусусияти эди. Сўфиёна истилоҳларни ўрни-ўрнига қўйиб, тўғри қўллаб, насрий баён қилиб ҳам газал мазмунини англаш мушкул. Газалнинг ҳам говийи маъно-мазмунини англаш, ҳам унинг бадийи қудратини қалбдан ҳис этиш лозим. Бунинг учун ҳақиқона фаҳм, ўта нозик ва ҳозиржавоб ички туйғу зарур. Албатта, мутафаккир аждодимиз шеърлятини ҳамма бирдай осонгина тушунавермайди. Навоийни тушуномқ учун билим керак, фаҳм жоиз, бадийи дил даркор. У ўзбек, қипчоқ, қиёт, барлос, турк, ўғуз, туркман каби атамаларни асарларида



Богда буюк ҳамсанавислар мажлиси. Камоллидин Бехзод раҳбарлигидаги Хирот миниатюра мактаби намояндалари ижоди.

қўллаш билан бирга: “Мен бу тилда сўзлашувчиларни — ул мамлакатни яққалам қилдим”, яъни ёзган асарларим билан барча туркий тилда сўзлашувчи элларни бирлаштирдим, дейди. Шубҳасиз, Ҳазрат Навоийнинг ўзидан ортиқ қилиб ҳеч ким бу мавзуда сўзлай олмайди.

— Навоий ҳазратлари бир рубойисида: *Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш, Эл анга шафқу меҳрубон бўлмас эмиш, Олтин қафас ичра гар қизил гул бўтса, Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш, дейди. Бу рубойининг ирфоний маъносини шарҳлаб берсангиз?*

— Мисрларнинг зоҳирий маъносига назар солсак, “ғурбат” деганда мусофирлик, “ғариб” деганда эса мусофир назарда тутилади. Ҳақиқатан ҳам, буюк шоир Самарқандда “ғурбат”да эди, қалбда Хирот соғинчи бор эди. Аммо бу ерда ул зоти шариф “ғариб” эдимми?

Навоий ҳазратлари Самарқанддаги ҳаётини бир “ғариб” сингари эмас, балки “азизлик”да, “шодмонлик” билан ўтказганлигини йирик навоийшунос олимларимиз ҳам эътироф этган, таъкидлаган.

Албатта, Самарқандда Алишер Навоий номи билан боғлиқ тарихий масканларни сақлаб қолмоқ, обод этмоқ лозим. Аммо ул зотнинг руҳи покларини шод қилишни истасак, унинг ҳикматли қаламига муҳаббатни ҳар биримиз қалбимизга нақш этмоғимиз шарт! Чунки биз Ҳақ таоло азиз қилган, Мир Алишер Навоийси бор миллатмиз.

Адиба УМИРОВА
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.



Теннис: ТЕРМА ЖАМОАМИЗНИНГ РАҚИБИ МАЪЛУМ

Эраклар терма жамоалари ўртасида норасмий жаҳон чемпионати — “Дэвис кубоги” мусобақасининг II жаҳон гуруҳи жуфтликлари маълум бўлди.



Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари I жаҳон гуруҳига чиқиш учун Нигерия билан куч синашади. Ўйин 6 — 8 феврал кунлари Нигерияда бўлиб ўтиши белгиланган. Жамоалар шу кунгача ўзаро баҳс ўтказмаган.

Маълумот учун, Ўзбекистон терма жамоаси “Дэвис кубоги” рейтингиди айни дамда 49-ўринни эгаллаб турибди. Нигерия эса мазкур жадвалда 74-ўринда қайд этилган.

Шахмат: ВАКИЛЛАРИМИЗ ПЕШҚАДАМ

Нидерландиянинг Вейк-ан-Зее шахри мезбонлик қилаётган шахмат бўйича аънанавий “Tata Steel Chess” мусобақасида 10-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Биз учун эътиборлиси, “Мастерс” гуруҳининг 14 нафар гроссмейстери қаторида ҳамюртларимиз Нодирбек Абдусатторов ва Жавоҳир Синдоров ҳам бош соврин учун баҳс олиб борапти.

Н. Абдусатторов оқ донларда словениялик Владимир Федосеевга қарши баҳс олиб бориб, дурангга рози бўлди. Бу билан Нодирбекнинг очколари 6,5 тага етди ва у турнир жадвалида ҳамон пешқадамлик қилмоқда.

Ж. Синдоров оқ донларда нидерландиялик Йорден Ван Форест билан мurosага келди. Гроссмейстеримиз 6 очко билан қўшимча кўрсаткичларга кўра, иккинчи ўринни ўзида сақлаб қолди.

Футзал: БИР ДУРАНГ, БИР ҒАЛАБА

Индонезияда футзал бўйича Осиё кубоги ўйинлари бошланди. Қитъамизнинг кучли 16 та терма жамоаси 4 та гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун курашмоқда.



“С” гуруҳидан ўрин олган Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки турда Тожикистон вакиллари билан куч синашди ва 0:0 ҳисобида дуранг қайд этди. Икки жамоа, ҳарчанд уринмасин, футзалда ҳам учрайдиган натижа билан бир очкодан бўлишиб олди. 2-турда вакилларимиз Австралия терма жамоасини 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Нодир Элибоев шоғирдлари энди гуруҳдаги навбатдаги ўйинни 1 февраль кунги Япония жамоаси билан ўтказади.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи»).

БОЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ТАРМОҚҚА КИРИШИ ТАҚИҚЛАНАДИ

Франция Президенти Эммануэль Макрон 15 ёшга тўлмаган болаларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланишини тақиқлашни жорий этиш вақти келганини айтди. Янги қонун лойиҳасини ўқув йили бошлангунга қадар, яъни сентябрь ойигача қабул қилиш режалоштирилган.

Ташаббуснинг асосий мақсади — болалар ва ўсмирларни рақамли платформаларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя этиш. Бу чора болаларни зарарли контентдан асрайди ва экран олдида ортиқча вақт ўтказишининг олдини олади.

Озик-овқат, атроф-муҳит ва меҳнат хавфсизлиги бўйича миллий агентлик маълумотларига кўра, Францияда ҳар иккинчи ўсмир смартфондан кунига 2 — 5 соат мобайнида фойдаланади. 12 — 17 ёш ораллиғидаги ёшларнинг тахминан 90 фоизи ҳар кунини интернетга смартфон орқали кирса, 58 фоизи ижтимоий тармоқларни мунтазам ишлатади.

СОФ ДАРОМАД КАМАЙИШИ МУМКИН

Германияда келгуси ўн йилда тиббиёт, парварिश, пенсия ва ишсизлик бўйича нафақалар учун ажратиладиган ижтимоий тўловлар маошининг тахминан 50 фоизигача ўсиши мумкин, деб хабар берилди “BILD” нашрида.

Бундай прогнози Берлиндаги “IGES” институти тайёрлади. Ҳозирги вақтда ижтимоий суғуртага брутто маошнинг 42,7 фоизи сарфланади (унинг ярмини иш бевуричи тўлайди), аммо ислохотлар амалга оширилмаса, бу юк янада ортиши мумкин.

Тадқиқот муаллифларининг ҳисоб-китобига кўра, 2035 йилга бориб миллионлаб ишчиларнинг қўлига оладиган соф даромади сезиларли даражада камаяди. Бу — барча манфаатдор томонлар зарур ислохотларни тезда бошлаши учун жуда муҳим сигнал. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2027 йилнинг ўзида тиббий суғурта тизимидаги танқислик тахминан 12 млрд. еврога етиши мумкин.

ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИ САРАТОНИНИ ДАВОЛАШ БОРАСИДАГИ ТАДҚИҚОТ

Испаниялик тадқиқотчилар сичқонлардаги ошқозон ости бези ўсмаларини тўлиқ йўқ қилишга ва касаллиқнинг қайта юзага келишини тўхтатишга муваффақ бўлди.

Аммо улар бу усулни одамларга қўллаш учун ҳали узоқ ва мураккаб мослашув ҳамда клиник синовлар жараёни кутмоқда, деб таъкидламоқда. “Бу тадқиқотлар ошқозон ости бези проток аденокарциномаси бўлган беморларнинг ҳаёт давомийлигини ошириши мумкин, дея саналган янги бирлашган даволаш усулларини ишлаб чиқишга йўл очади”, дейилади олимлар тарқатган баёнотда.

Испанияда ҳар йили ошқозон ости бези саратонининг 10 300 дан ортиқ янги ҳолатлари аниқланган. Бу илмий ютуқнинг асосий аҳамияти онкогенини фақат бир нуқтада тўсиб қўйганда пайдо бўладиган дорига чидамлилиқнинг олдини олишдир.

«НИПАХ» ВИРУСИГА ҚАРШИ ФАВҚУЛОДДА ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

Ҳиндистон ҳукумати “Нипах” вируси билан касалланишнинг бешта ҳолати тасдиқланганидан сўнг мамлакатнинг шарқдаги Бенгалия штатида эпидемияга қарши чораларни қучайтирди. Маҳаллий ОАВ маълумотларига кўра, ўнлаб одамлар уй қарантинида сақланмоқда, айрим беморлар шифохоналарда даволанмоқда.

“Нипах” — ўлим даражаси юқори бўлган зооноз вирус бўлиб, унга қарши ҳозирги кунгача тасдиқланган вакцина ёки махсус даволаш усули мавжуд эмас. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти уни жуда хавфли патогенлар қаторига киритади. Инсонларнинг бу вирусни юктириши ҳам учрайдиган ва кўпинча чўчка ҳамда кўршапалаклардан юқади, ифлосланган озик-овқат орқали тарқалади.

Вирус ilk бор 1999 йилда Малайзия ва Сингапурда аниқланган. Шу вақтдан бери у Жанубий Осиё мамлакатларида, айниқса, Бангладеш ва Ҳиндистонда бир неча бор эпидемия келтириб чиқарган.

Интернет хабарлари асосида
Шарофиддин ТҲАҲАММОНОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Амалдаги меҳнат қонунчилиги асосида 3 жилддан иборат «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига илмий-амалий шарҳ» китоби тайёрланди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 31 016 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни юклай олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуртов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,

Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Баҳромов.

Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.50 Тошпирилди — 00.10 1 2 3 4 5 6